

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 27 куни Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, судья М.У.Ариповнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Мухамедовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қоровулбозор туман прокурори катта ёрдамчиси У.Нуруллаев, судланувчи Ш.Мухторов ва фуқаровий даъвогар М.Амонов ҳамда таржимон Л.Вахидоваларнинг иштирокида, судланувчи Ш.Мухторовга нисбатан 1-2009-2201/7-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мухторов Шамшод Шарифович (Muxtorov SHamshod SHarifovich)-28.10.1994 йилда Бухоро шаҳрида туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, судланмаган, оилалик, “Adler Group Distribution” ва “Asvad Group” МЧЖларнинг Бухоро филиали омбор мудир вазифасида ишлайди, Бухоро шаҳар Сайид Паноҳ кўчаси 120-уйда яшайди, 21.12.2021 йилда “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 18-январда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ш.Мухторов ўзганинг анча миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир қилган.

Чунончи у, 2021 йил 17 сентябрь кунидаги далолатномага кўра жамият томонидан ўрганишда, “Adler Group Distribution” МЧЖнинг Бухоро филиали омбор мудир вазифасида ишлаб келиб, моддий жавобгарлигида бўлган ўзганинг 8.319.600 сўмлик шоколад маҳсулотларини нақд пулга сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланган.

Шунингдек у, 2021 йил 17 сентябрь кунидаги далолатномага кўра “Avsad Group” МЧЖнинг Бухоро филиали омбор мудир вазифасида ишлаб келиб моддий жавобгарлигида бўлган ўзганинг 22.561.250 сўмлик болалар тагликларини нақд пулга сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шундай қилиб, Ш.Мухторов “Adler Group Distribution” ва “Avsad Group” МЧЖларнинг Бухоро филиали омбор мудир вазифасида ишлаб



келиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 30.880.850 сўмлик миқдордаги жамият мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Ш.Мухторов суд мажлисида айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖларнинг Бухоро филиалида омбор мудир вазифасида 2020 йил 14 октябрдан ишлаб келаганлигини, 2021 йил 17-сентябрь куни ушбу МЧЖларга тегишли ва унинг жавобгарлигида товарлар санокдан ўтказилганлигини, шунда “Adler Group Distribution” МЧЖга тегишли товарлардан 8.319.600 сўмлик шоколад маҳсулотлари ва “Avsard Group” МЧЖга тегишли товарлардан 22.561.250 сўмлик болалар тагликлари камомади аниқланганлигини, ушбу кунда текширишда уни таклиф қилган бўлсаларда, у камомадни борлигини билган ҳолда келиб текширишга қатнашмаганлигини, у ушбу болалар тагликлари ва шоколадларни танишларига текинга бериб юборганлигини, бир қисмини эса шу филиалда ишловчи танишлари Бехруз, Содик, Ғани, Фирик ва бошқаларга сотиб пулларини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, ушбу 30.880.850 сўмлик зарарлардан дастлаб 9.000.000 сўмини тергов даврида тўлаб берганлигини, ҳозирда 19800.000 сўмини тўлаганлигини, қолган 2.080.850 сўмини келгусида тўлаб беришини, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар М.Амонов суд мажлисида, “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖларнинг Бухоро филиалида раҳбар лавозимида ишлаб келаётганлигини, “Adler Group Distribution” МЧЖси сникерс, марс, твикс, баунти ва бошқа турдаги шоколадларнинг савдоси билан, “Avsard Group” МЧЖ эса болалар тагликлари савдоси билан шуғулланиб келишини, Ш.Мухторов “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖларнинг Бухоро филиалида омбор мудир вазифасида 2020 йил 14 октябрда ишга қабул қилинганлигини, “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖлар раҳбариятининг 2021 йил 17-сентябрдаги буйруғига кўра, ишчи гуруҳ тузилиб, омбордаги товарлар санокдан ўтказилганлигини, текширишдан олдин Ш.Мухторовни қўл телефонига кўнғироқ қилиб, уни текшириш жараёнига таклиф қилганлигини, бироқ у келиб қатнашмаганлигини, текширишда “Adler Group Distribution” МЧЖга тегишли товарлардан 8.319.600 сўмлик шоколад маҳсулотлари ва “Avsard Group” МЧЖга тегишли товарлардан 22.561.250 сўмлик болалар тагликлари камомади аниқланганлигини, зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Г.Пенджиева суд мажлисида, “Adler Group Distribution” МЧЖнинг Бухоро филиалида ҳисобчи вазифасида ишлаб келишини, раҳбариятининг 2021 йил 17-сентябрдаги буйруғига кўра, ишчи гуруҳ тузилиб, омбордаги товарлар санокдан ўтказилганлигини, у ҳам шу гурудга аъзо бўлиб, “Adler Group Distribution” МЧЖга тегишли товарларни санокдан ўтказганларида “Adler Group Distribution” МЧЖга



тегишли 5 хил товарлардан 8.319.600 сўмлик шоколад маҳсулотлари камоамди аниқланганлигини, текширишдан олдин омбор мудир Ш.Мухторовни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, уни текшириш жараёнига таклиф қилганлигини, бироқ у келиб қатнашмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисига гувоҳ тариқасида чақиртирилган бироқ номаълум сабабларга кўра судга келмаган М.Ганиев ва Б.Раджабовларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари судланувчи Ш.Мухторовнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилганда, у томонидан эътирозлар бўлмади.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини тинглаб, Ш.Мухторовнинг мазкур жиноятни содир қилишдаги айби, уни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, 2021 йил 5 августдаги товарларни санокдан ўтказиш тўғрисидаги 1-сонли буйруқ, “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖлардаги товарларни санокдан ўтказиш далолатномалари, 30.11.2021 йилдаги “Хужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома” ва унга илова қилинган ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Мухторовнинг жинойий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Мухторовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, шу қарорнинг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ш.Мухторовга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, юқорида келтирилган Пленум тушунтиришларига риоя қилган ҳолда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ва жазони



енгиллаштирувчи бошқа барча ҳолатларни эътиборга олиб ҳамда жабрланувчининг даъвоси борлигини алоҳида эътироф этиб, у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан жарима жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Мухторов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганликларини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 45-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқдан махрум қилиш қўшимча жазосини қўлламасликни лозим топди.

Суд судланувчи Ш.Мухторов томонидан жами етказилган 30.880.850 сўмлик зарарларни қоплаш мақсадида;

19.11.2021 йилда рақамсиз хабарнома билан “Ипотека банк”нинг 20203000300493220001-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.000.000 сўм;

22.12.2021 йилда рақамсиз хабарнома билан “Ипотека банк” Сардор филиалининг 20203000604058739001-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм;

27.01.2022 йилда рақамсиз хабарнома билан Тошкент шаҳар “Марказий банк”нинг 23402000300100001010-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 19.800.000 сўм жами 28.800.000 сўм пуллардан 22.561.250 сўмни “Avsard Group” МЧЖнинг (Буюк ипак йўли банк Чилонзор филиали) 20208000605110601001-ҳисоб рақамига ўтказишни, қолган 6.238.750 сўмни “Adler Group Distribution” МЧЖнинг (Буюк ипак йўли банк Чилонзор филиали) 20208000800296380001-ҳисоб рақамига ундиришни белгилашни;

Шунингдек, судланувчи Ш.Мухторовдан “Adler Group Distribution” МЧЖ фойдасига 2.080.850 сўм ундиришни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, туман прокурорининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб топилган ва жиноят ишига қўшилган “Adler Group Distribution” ва “Avsard Group” МЧЖларга тегишли 2021 йилда олинган товарларнинг кирим ҳужжатлари ва шартнома нусхаларини жиноят иши билан биргаликда сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497.1-497.4-моддаларини кўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Мухторов Шамшод Шарифович (Muxtorov SHamshod SHarifovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари (5x270.000=1.350.000) яъни



1.350.000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Ш.Мухторов томонидан жами етказилган 30.880.850 сўмлик зарарларни қоплаш мақсадида;

19.11.2021 йилда рақамсиз хабарнома билан “Ипотека банк”нинг 20203000300493220001-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.000.000 сўм;

22.12.2021 йилда рақамсиз хабарнома билан “Ипотека банк”нинг хабарнома билан “Ипотека банк” Сардор филиалининг 20203000604058739001-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм;

27.01.2022 йилда рақамсиз хабарнома билан Тошкент шаҳар “Марказий банк”нинг 23402000300100001010-рақамли депозит ҳисоб рақамига топширилган 19.800.000 сўм жами 28.800.000 сўм пуллардан 22.561.250 сўми “Avsads Group” МЧЖнинг (Буюк ипак йўли банк Чилонзор филиали) 20208000605110601001-ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Қолган 6.238.750 сўм пуллар “Adler Group Distribution” МЧЖнинг (Буюк ипак йўли банк Чилонзор филиали) 20208000800296380001-ҳисоб рақамига ундирилсин.

Туман прокурорининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган деб топилсин.

Судланувчи Ш.Мухторовдан “Adler Group Distribution” МЧЖ фойдасига 2.080.850 сўм ундирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб топилган ва жинойт ишига қўшилган “Adler Group Distribution” ва “Avsads Group” МЧЖларга тегишли 2021 йилда олинган товарларнинг кирим ҳужжатлари ва шартнома нусхалари билан биргаликда сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм ўқиб эълон қилинган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида, маҳкум, оқланган шахс ва жабрланувчи ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб, шу муддат ичида мазкур суд орқали ҳукм устидан Бухоро вилоят судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.У.Арипов



Ҳужжат имзоланган: Арипов Махмуд Умурувич, 21.02.2022

